

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий
кўрсаткичлар**


	Ўлчов бирлиги	2015 йил январь-июнь	2014 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	2276,2	111,1
Саноат маҳсулоти	млрд. сўм	1061,1	130,8
Истеъмол товарлари	млрд. сўм	709,3	140,2
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	млрд. сўм	1076,6	106,2
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млрд. сўм	629,8	82,4
Қурилиш ишлари	млрд. сўм	537,6	103,9
Юк айланмаси	млн. тн-км	455,6	107,6
Йўловчи айланмаси	млн. йўловчи-км	2028,4	106,5
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	1 280 ,1	114,5
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	526,3	110,4
Экспорт	млн. АҚШ долл	69,7	80,5
Импорт	млн. АҚШ долл	47,8	68,1

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

2015 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)нинг номинал қиймати 2276,2 млрд. сўмда баҳоланди. ЯҲМ нинг реал ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан 111,1 фоизни ташкил қилди.

ЯҲМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Саноат
- Қишлоқ хўжалиги
- Қурилиш
- Транспорт ва алоқа
- Савдо ва умумий овқатланиш
- Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари
- Маҳсулот ва экспорт-импорт операцияларига соф солиқлар

ЯХМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби январь-июнь ойларида куйидагича ифодаланади:

	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида		2014 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида
	2014 йил январь-июнь	2015 йил январь-июнь	
Жами	100,0	100,0	111,1
шу жумладан:			
саноат	14,4	16,7	130,8
қишлоқ хўжалиги	16,8	15,8	106,2
қурилиш	12,4	11,5	103,9
транспорт ва алоқа	14,4	14,2	107,7
савдо ва умумий овқатланиш	9,5	9,1	111,8
бошқалар	26,2	26,0	109,3
Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операцияларига соф солиқлар	6,3	6,7	113,9

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 61,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврида 61,0 фоизни ташкил этган.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2015 йилнинг 1 июль ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 13679тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 12749 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,2 фоизи) ташкил қилди.


Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (26,5 фоизи), саноат (16,3 фоизи) ва қурилиш (11,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2015 йилнинг 1 июль ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	13679	100,0	12749	100,0
шу жумладан:				
саноат	2227	16,3	2076	16,3
қишлоқ хўжалиги	1363	10,0	1250	9,8
қурилиш	1513	11,1	1419	11,1
транспорт ва алоқа	515	3,8	495	3,9
савдо ва умумий овқатланиш	3625	26,5	3325	26,1
бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	982	7,1	913	7,1
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	212	1,5	202	1,6
соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	520	3,8	508	4,0
таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	1148	8,4	1129	8,9
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	1574	11,5	1432	11,2

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 83,5 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 37,1 фоизи хусусий корхоналар, 33,8 фоиз масъуляти чекланган жамиятлар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 0,2 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 12,1 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:



2015 йил январь-июнь ойларида жами 1599 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган. Уларнинг асосий қисми Урганч шаҳрига (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 13,4 фоизи), Урганч (13,1 фоиз), Хива (11,1 фоиз), Хазорасп (10,1 фоиз) ва Қўшқўпир туманларига (9,9 фоиз) тўғри келади.

Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2015 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 10917 тани ташкил қилди. Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 61,3 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (2014 йилнинг шу даврида 60,0 фоиз)

Иқтисодиётдаги жами иш билан бандларнинг 81,6 фоизини (569,3 минг киши) кичик тадбиркорлик секторига банд бўлганлар ташкил қилди. Кичик тадбиркорликда банд бўлганларнинг 17,4 фоизи (121,2 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 113,1 фоизга ўсди ва 312902,9 млн. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг

29,5 (фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 106,2 фоизга ўсиб, 1054708,2 млн. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 98,0 (фоизи) ташкил қилди.

Вилоят иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 58,4 фоизи, қурилиш ишларининг 80,1 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес субъектлари юк айланмаси вилоят автомобиль транспорти умумий юк айланмасининг 85,1 фоизини, умумий йўловчи айланмасининг 92,6 фоизини ташкил этди.

Савдо айланмаси умумий ҳажмининг 70,0 фоизи ёки 896994,9 млн. сўми (ўсиш 116,4 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 48,4 фоизи ёки 254716,8 млн. сўми (115,0 фоизга ўсган) кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари ташқи савдо айланмаси вилоят ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 84147,6 фоизини ташкил қилди. Жорий йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 21287,3 минг АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 24,6 фоизи), миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Импорт 62860,3 минг АҚШ доллари (умумий импортнинг 89,4 фоизи)ни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқларида яратилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида, кичик тадбиркорликнинг улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Хусусий тадбиркорлик кичик бизнеснинг асосий қисмини ташкил қилади.

2015 йилнинг январь-июнь кичик тадбиркорликда яратилган маҳсулот (иш, хизматлар) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) субъектлари маҳсулотининг улуши қуйидагича ифодаланади:

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млн.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	312902,9	29,5
Қурилиш	430743,9	80,1
Чакана савдо	896994,9	70,0
Пуллик хизмат	254716,8	48,4
Юк ташиш, млн. тн.	15,5	85,1
Йўловчи ташиш, млн. Киши	183,3	92,6
Экспорт, минг АҚШ долл.	21287,3	24,6
Импорт, минг АҚШ долл.	62860,3	89,4

Ташқи иқтисодий алоқалар

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2015 йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида 117599,2 минг АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 74,9 фоизни, шу жумладан МДХ мамлакатлари бўйича 33832,8 минг АҚШ долларини (38,6 фоиз), бошқа хориж мамлакатлари бўйича 83766,4 минг АҚШ долларини (121,0 фоиз) ташкил қилди. Умумий экспорт ҳажми 69726,3 минг АҚШ долларини, импорт 47873,0 минг АҚШ долларини ташкил қилди.


Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:
(минг. АҚШ доллари)

	январь-июнь		2014 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
	2014й.	2015й.	
Ташқи савдо айланмаси	156991,5	117599,2	74,9
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	87750,1	33832,8	38,6

(минг. АҚШ доллари)

	январь-июнь		2014 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
	2014й.	2015й.	
Бошқа хориж мамлакатлари	69241,4	83766,4	121,0
Экспорт	86657,2	69726,3	80,5
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	58865,1	24277,6	41,2
Бошқа хориж мамлакатлари	27792,1	45448,7	163,5
Импорт	70334,3	47873,0	68,1
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	28885,0	9555,2	33,1
Бошқа хориж мамлакатлари	41449,3	38317,7	92,4

Ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа хориж мамлакатларининг улуши қуйидагича ифодаланади:




**Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибидаги ўзгаришлар
динамикаси**

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2014й январь-июнь	2015й январь-июнь	2014 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	80,5
пахта толаси	68,0	52,6	62,2
озик-овқат маҳсулотлари	0,7	3,1	3,6 марта
шундан истеъмол маҳсулотлари	0,4	2,8	5,7 марта
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	0,7	0,6	64,2
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	0,0	0,0	-
қора ва рангли металллар	0,0	0,0	-
машина ва ускуналар	0,0	0,0	50,7
хизматлар	28,9	37,1	103,2
бошқалар	1,7	6,6	3,4 марта
Импорт таркиби	100,0	100,0	68,1
озик-овқат маҳсулотлари	1,5	3,4	158,5
шундан ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган истеъмол маҳсулотлари	0,3	0,5	110,3
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	18,6	12,9	47,1
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	0,0	0,0	6,6 марта
қора ва рангли металллар	1,2	1,8	104,6
машина ва ускуналар	49,5	68,4	94,1
хизматлар	4,1	6,8	113,1
бошқалар	25,1	6,7	18,1

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




Вилоятнинг ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Вилоятнинг товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2014 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Украина	1,5	5,3
Хитой	26,9	152,5
Эрон	17,5	2,7 марта
Туркия	2,0	23,9
Россия	6,9	25,7
Республика корея	2,0	55,3
Литва	4,8	3,8 марта
Италия	2,2	96,9
Грузия	6,5	129,5

Ҳисобот даврида вилоят жаҳоннинг 47 мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди ва 5 мамлакат билан ижобий сальдога эга бўлди.

2015 йил январь-июнь ойларида МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:



Саноат

2015 йилнинг январь-июнь ойларида саноат маҳсулоти ҳажми 1061072,7 млн. сум, ёки 2014 йилнинг январь-июнга нисбатан 130,8 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 709251,0 млн. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2014 йилнинг январь-июнга нисбатан 140,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, 188885,0 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 508105,6 млн. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда фоиз 125,8 ва 147,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.




2015 йил январь-июнь ойларида саноат тармоқлари бўйича саноат маҳсулоти ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	Млн. сўм	2014 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида
Жами	1061072,7	130,8
шу жумладан:		
Электроэнергетика	43939,9	122,4
Ёқилғи	-	-
қора металлургия	365,2	22,7
химия ва нефтехимия	8757,1	139,6
машинасозлик саноати	421714,6	162,0
қурилиш материаллари	57274,6	151,6
енгил саноат	236492,7	100,7
озиқ-овқат саноати	139217,7	137,0
Истеъмол товарлари	709251,0	140,2
шу жумладан:		
озиқ-овқат маҳсулотлари	188885,0	125,8
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	508105,6	147,3

Тармоқлар бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш таркиби қуйида келтирилган:

2014й
январь-июнь

2015й.
январь-июнь



Саноат тармоқлари бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)

	2015 йил январь-июнь	2014 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ёқилғи –энергетика саноати		
Электроэнергия, млн. кВт. Соат.	236,2	2,0 м
Иссиқлик энергияси, минг. Гкал	0,0	0,0
Машинасозлик саноати		
«Damas DLX» маркали автомобиллар-дона	15371,0	163,5
«VAN» маркали автомобиллар-дона	207,0	65,3
«ORLANDO» маркали автомобиллар-дона	1320,0	2,3 м
Енгил саноат		
Пахта толаси-тн	40031,0	104,8

	2015 йил январь-июнь	2014 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида
Пахта линти-тн	2785,0	100,1
Пахтадан йигирилган ип калава-тн	2204,0	100,2
Озиқ-овқат саноати		
Тозаланган ўсимлик мойи-тн	6917,0	101,1
Колипли нон маҳсулотлари-тн	984,9	110,5
Миллий нон маҳсулотлари-тн	330,5	111,9
Ароқ ва ароқ-ликер маҳсулотлари-минг литр	1012,0	101,2
Вино, минг литр	670,0	100,0
Коньяк спирти – минг литр	35,0	95,6
Ун-ёрма ва омехта ем саноати		
Ун, тн	37370,9	97,1

Қишлоқ хўжалиги


2015 йилнинг январь-июнь ойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 1076621,6 млн. сўмни ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 106,2 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 322702,9 млн. сўмни (2014 йил январ-июнига нисбатан 104,9 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари - 753918,7 млн. сўмни (106,8 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 30,0 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари 70,0 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида



Деҳқончилик. Барча тоифадаги хўжаликларда жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 231,3 минг га.ни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 52,4 минг гектар, пахта экин майдони 101,6 минг гектар, картошка – 5,6 минг гектар, сабзавот экинлари – 14,9 минг гектар майдонни ташкил қилди.

ҳосил йиғими. 2015 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 199,6 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 199,0 минг тонна буғдой.

Барча тоифадаги хўжаликларда 59,3 минг тн. картошка қазиб олинди (2014 йилга нисбатан 9,8 фоизга кўп), 68,4 минг тн. сабзавот (7,1 фоизга кўп) 3,4 минг тн. полиз экинлари (6,3 фоизга кўп) 29,7 минг тн. мева ва резаворлар (6,7 фоизга кўп) ва 0,5 минг тн. узум (10,6 фоизга кўп) етиштирилди.


Чорвачилик. 2015 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,2 минг бошга (1,0 фоизга), шу жумладан сигирлар 9,0 минг бошга (3,0 фоизга), кўй ва эчкилар 2,5 минг бошга (0,7 фоизга), паррандалар 135,0 минг бошга (3,2 фоизга) кўпайди.

2015 йилнинг январ-июн ойларида барча тоифадаги хўжаликларда 71,1 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилга нисбатан 106,0 фоиз), 451,6 минг тонна сут (107,9 фоиз), 235,8 млн дона тухум (107,7 фоиз), 725 тонна жун (104,3 фоиз), 4,8 минг дона қорақўл тери (105,5 фоиз) етиштирилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда – 95,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда – 69,8 фоизни ташкил этди.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари.

2015 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжаликларида 53,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 19,9 минг бош сигир, 27,5 минг бош қўй ва эчкилар, 994,0 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2015 йилнинг 1 июлига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 101,5 фоизни, шу жумладан сигирлар 107,0 фоизни, қўй ва эчкилар 102,2 фоизни, паррандалар 100,2 фоизни ташкил қилди.

Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	январь-июнь				2014 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
	2014 й.		2015 й.		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Бошоқли дон	107488	54,0	107765	54,0	100,3
шу жумладан бугдой	107248	54,0	107465	54,0	100,2
Картошка	9726	18,0	10400	17,5	106,9

январь-июнь

	2014 й.		2015 й.		2014 йил январь-июнга нисбатан фоиз хисобида
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	20792	32,5	22600	33,0	108,7
Полиз	1723	53,6	1790	52,4	103,9
Мева ва резаворлар	7311	26,3	7780	26,2	106,4
Узум	122	28,7	140	29,8	114,8
Гўшт, тирик вазнда	2170	3,2	2301	3,2	106,0
Сут	17510	4,2	19140	4,2	109,3
Тухум, минг дона	13430	6,1	14500	6,1	108,0
Жун, тонна	120	17,3	125	17,2	104,2
Қоракўл, дона	248	5,4	260	5,4	104,8
Пилла, тонна	1978,3	95,8	2103,5	96,8	106,3

Инвестициялар ва қурилиш

2015 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 629864,7 млн. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва 2014 йил январь-июнига нисбатан 82,4 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:


	Жамига нисбатан фоиз хисобида					
	Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича					
Жами инвестициялар, млн. сўм	республика бюджети	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари	Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	
Жами	629864,7	7,7	53,3	11,3	20,0	7,7

Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича

	Жами инвестициялар, млн. сўм	республика бюджети	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари	Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	бюджетдан ташқари фондлар маблағлари
шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:						
Давлат	137871,6	34,9	11,3	10,2	8,4	35,2
Нодавлат	491993,1	0,02	65,18	11,6	23,2	-

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида чет эл инвестициялари ва кредитларини ўзлаштириш куйидаги маълумотларда ифодаланади:

чет эл инвестициялари ва кредитларининг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Иқтисодиёт тармоқларида барча молиялаштириш манбалари ҳисобига асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидаги кўринишда:

	2015й. январь-июнь		2014 йил январь-июнь ойларида умумий ҳажмга нисбатан фоизда
	млн. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
Асосий капиталга киритилган инвестициялар – жами	629864,7	100,0	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	252433,3	40,1	45,8
саноат	141625,7	22,5	21,5
шу жумладан:			
ёқилги-энергетика	21,3	-	1,5
газ саноати	10025,8	1,6	2,0
машинасозлик	20941,5	3,3	13,3
қурилиш материаллари саноати	1498,4	0,2	1,1
шиша саноати	2062,2	0,3	0,2
енгил саноат	75007,3	11,9	1,1
озик-овқат саноати	24817,2	3,9	1,3
микробиология саноати	-	-	0,01
ун янчиш-крупа ва умум озука саноати	-	-	0,1
қишлоқ хўжалиги	11960,5	1,9	3,3
қурилиш	36365,7	5,8	2,8
транспорт ва алоқа	23163,4	3,7	12,6
савдо ва умумий овқатланиш	37473,6	5,9	5,3
бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	1844,4	0,3	1,2
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	377431,4	59,9	54,2
уй-жой қурилиш	259867,7	41,3	34,7
коммунал хўжалик	25117,3	4,0	3,7

	2015й. январь-июнь		2014 йил январь-июнь
	млн. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	ойларида умумий ҳажмга нисбатан фоизда
соғлиқни сақлаш	21534,3	3,4	5,5
таълим	25308,5	4,0	3,7
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	45707,7	7,2	6,6

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 252433,3 млн. сўми ёки 40,1 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди, ноишлаб чиқариш тармоқларига 377431,4 млн.сўм ёки 59,9 фоизи йуналтирилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 259,9 млрд. сўм ёки 68,9 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2015 йилнинг январь-июнь ойларида умумий майдони 461,8 минг кв. м бўлган 2213 та уй-жой (2014 йил январь-июнига нисбатан 94,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 373,7 минг кв.м. (85,0 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактаблари қошидаги спорт иншоотлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилишида 3,1 млрд. сўм инвестициялар болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,8 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 12,3 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 75,3 км узунликдаги ичимлик суви, 22,3 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2014 йилнинг январь-июнига нисбатан мос равишда 37,5 фоиз ва 86,8 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик суви тармоқлари 85,5 фоизи ва газ тармоқларининг 76,2 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 12615,4 млн. сўм, шундан 1435,0 млн. сўм аҳоли маблағлари ҳисобига, газ тармоқлари қурилишига 712,9 млн. сўм, шундан барчаси аҳоли маблағлари ҳисобига инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2015 йилнинг январь-июнь ойларида 537678,2 млн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2014 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 103,9 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 82,2 фоизи янги қурилиш, корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жихатдан қайта жиҳозлашга, 17,8 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ишларига тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 506991,0 млн. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 94,3 фоизни (2014 йилнинг январь-июнига нисбатан 103,8 фоиз) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2015 йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида барча транспорт турлари томонидан 18,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,0 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 455,6 млн. тн-км.ни ташкил қилди ва 7,6 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2015 й. январь-июнь	2014 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	18,2	104,0
шу жумладан:		
автомобил транспортида	18,2	104,0
Юк айланмаси, млн. тн-км	455,6	107,6

	2015 й. январь-июнь	2014 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида
--	------------------------	--

шу жумладан:

автомобил транспортида	455,6	107,6
------------------------	-------	-------

Автомобил транспортида 18,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2014 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 4,0 фоизга кўпайди. Юк айланмаси 7,6 фоизга кўпайди ва 455,6 млн. тн-км.ни ташкил қилди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2014 йил январь-июн ойлари даражасидан 6,0 фоизга кўпайди ва 374,6 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 82,2 фоизни ташкил этди (2014 йил январь-июнь ойларида 83,5 фоиз).

Йўловчи ташиш. Жорий йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида барча транспорт турлари томонидан 198,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан 5,0 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 6,6 фоизга кўпайиб, 2028,4,0 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2015 й. январь-июнь	2014 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	198,4	105,0
автомобил транспортида	197,9	105,0
шаҳар электр транспортида	0,5	94,1
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	2028,4	106,5
автомобил транспортида	2016,0	106,6
шаҳар электр транспортида	12,4	94,2

Товарлар ва хизматлар бозори

2015 йилнинг январь-июнь ойларида чакана товар айланмаси 1 280 738,9 млн. сўми ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан нисбатан 114,5 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	Млн. сўм	2014 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	1 280 738,9	114,5	100,0
Шу жумладан мулкчи- лик шакллари бўйича:			
Давлат мулки	84,5	112,8	0,01
Нодавлат мулки	1 280 654,4	114,5	99,99

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми жорий йилнинг январь-июнь ойларида 557 151,6 млн. сўми ташкил қилиб, 2014 йилнинг январь-июнь ойларида нисбатан 18,0 фоизга ошган.

Дехқон бозорлари ва норасмий секторнинг(буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 2014 йилнинг январь-июнь ойларида нисбатан 11,9 фоизга ошди ва 723 587,3 млн. сўмга етди, унинг товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 56,5 фоизни ташкил қилди.

Жорий йил январь-июнь ойларида чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млн. сўм	2014 й. январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	1 280 738,9	114,5	100,0
шу жумладан:			
савдо корхоналари	557 151,6	118,0	43,5
Дехқон бозорлари ва норасмий сек- тор(буюм бозорлари ва ихтисо- слаштирилган бозорлар)	723 587,3	111,9	56,5

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 16 767,1 млн. сўмга етди ёки 2014 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 119,8 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига кўрсатилган **пуллик хизматлар** ҳажми 526308,7 млн. сўмни, унинг реал ўсиши эса 2014 йил январь-июнь ойларига нисбатан 110,4 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (55,7 фоиз), бу секторда хизматлар ҳажми амалдаги нархларда 293412,2 млн. сўмни, ўсиш суръати эса 107,3 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 232896,5 млн. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 44,3 фоизни ташкил этди.

Нодавлат секторида кўрсатилган хизматларнинг улуши 91,0 фоиз бўлиб 479199,6 млн. сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилга нисбатан 104,4 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	Млн. сўм	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида	2014 йил январь-июнь ойлари яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	526308,7	100,0	110,4
Давлат мулки	47109,1	9,0	101,9
Нодавлат мулки	479199,6	91,0	110,1
шундан:			
фуқароларнинг хусусий мулки	239881,5	45,6	114,3

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 9,0 фоизни ёки 47533,0 млн. сўмни ташкил қилди. Уларнинг реал ҳажми 2014 йил январь-июнига нисбатан 115,3 фоизга ошди. Маиший хизматларнинг 90,0 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми дастлабки баҳоланганда 42783,2 млн. сўмни, ўсиш суръати эса 115,9 фоизни ташкил қилди.

2015 йил январь-июнь ойларида **иктисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 1196,2 млрд.** сўмни ташкил қилди. 2014 йилнинг шу даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш 112,4 фоизни ташкил этди.

2015 йил январь-июнь ойлари мобайнида хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича (ҳақиқий баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:

	Млн. сўм	2014 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	1196233,2	112,4	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (мобил алоқа, “Интернет” тармоғига киришни таъминлаш, телевизион кабел алоқа, почта ва электралоқа хизматларини қўшган ҳолда)	86512,6	129,0	7,2
Компьютер дастурлаш хизматлари (маслаҳат бериш хизматларини қўшган ҳолда)	422,5	113,0	-
Молиявий хизматлар (банк, суғурта хизматларини, молиявий лизингни қўш- ган ҳолда)	113247,6	125,4	9,5
Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)	236443,9	104,8	19,8
Қурилиш хизматлари (бинони таъмирлаш ва муҳандислик жихозларини монтаж қилиш хизматларини қўшган ҳолда)	110040,2	111,0	9,2
Технологик дастгоҳларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	3041,8	105,0	0,3
Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	768,5	124,0	0,1
Туристик хизматлар (меҳмонхона хизматларини қўшган ҳолда)	5668,0	110,3	0,5
шу жумладан, туристик хизматлари	495,1	125,2	-
меҳмонхона хизматлари	5172,9	108,9	0,4
Савдо ва умумовқатланиш хизматлари	295379,1	111,9	24,7
Маиший хизматлар	70637,3	111,1	5,9
Таълим хизматлари	30119,2	105,0	2,5
Соғлиқни сақлаш хизматлари	14767,6	122,6	1,2
Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизма- тлар	11250,7	105,0	0,9
Бошқа хизматлар	217934,2	109,7	18,2

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо ва овқатланиш (24,7 фоизи), транс-порт (19,8 фоиз) ва молиявий (9,5 фоиз) хизматларга тўғри келди.

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1726,6 минг кишини ташкил қилиб, 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 31,9 минг кишига ёки 1,8 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2015 йилнинг январь-июнь ойларида қуйидагича ифодаланади:

	Киши		Ўсиш, камайиш (-)	Ҳар 1000 кишига	
	2014й.	2015й. *)		2014й.	2015й. *)
Туғилганлар	14844	14655	-189	17,7	17,2
Ўлганлар	3716	3495	-221	4,4	4,1
Бир ёшгача улганлар	238	210	-28	13,4**	11,1**
Табиий ўсиш	11128	11160	32	13,3	13,1
Никоҳлар	8916	8581	-335	10,6	10,1
Ажралишлар	497	477	-20	0,6	0,6

2015 йил январь-июнь ойлари мабойнида туғилганлар сони 14655 кишини ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 фоизга камайди, туғилиш коэффициенти 17,7 промилледан 17,2 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши Урганч туманида (19,4 дан 17,1 промиллега), Хонка туманида (19,0 дан 18,0 промиллега), Хива туманида (14,9 дан 13,8 промиллега), Янгибозор туманида (18,8 дан 17,3 промиллега) камайиш кузатилди.

2014 йилнинг шу даврига нисбатан ўлганлар сони 221 кишига ёки 0,9 фоизга камайди. Ўлганлар сонининг камайиши Боғот туманида (4,3дан 3,8 промиллега), Хазорасп туманида (4,3 дан 4,1 промиллега), Хива туманида (4,4 дан 3,6 промиллега), Шовот туманида (4,1 дан 3,3 промиллега) камайиш кузатилди.

2015 йилнинг январь-июнь ойлари мабойнида 8581 никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 477 тани ташкил қилди. Минг аҳолига нисбатан 10,1 никоҳ ва 0,6 ажралишлар тўғри келмоқда (2014 йил январь-июнь ойларида мос равишда 10,6 ва 0,6).

*) Дастлабки маълумотлар

**) 1000 туғилганларга нисбатан


Меҳнат ресурсларининг сони, дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 101,5 фоизга кўпайиб 964,0 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 56,0 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаол аҳоли сони 706,1 минг кишини ташкил этди ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 фоизга кўпайди, шу жумладан 698 минг киши ёки иқтисодий фаол аҳолининг 98,8 фоизи иқтисодиётда банд бўлди.

2015 йил январь-июнь ойида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 8,1 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 минг кишига камдир.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)



Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг 2015 йил 1 июль ҳолатига 331 киши ёки 4,1 фоизи ишсиз деб эътироф этилган.